

КАРТОШКАНИНГ ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ТАҚҚОСЛАБ СИНАШ, ИСТИҚБОЛЛИ НАМУНАЛАРИНИ АЖРАТИШ

С.С.Лапасов

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10897318>

Аннотация. Ушбу мақолада Туркиядан келтирилган картошканинг 5 та навларини такрорий муддатда таққослаб синаш боғчасида экиб истиқболли эртапишиар намуналар ажратилганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Картошка ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича назорат Пском навининг ҳосилдорлиги гектаридан 21, т. ни ташкил қилган, унга нисбатан 4 та нав намуналарда бу кўрсаткич юқори бўлган, қолган намуналарида ҳосилдорлик кўрсаткичлари назорат вариантыга нисбатан кам бўлганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Калим сўзлар: танлов, нав, дурагай, намуна, коллекция, туганак.

COMPARATIVE TESTING OF POTATOES IN A REPEATED PERIOD, SEPARATION OF PROSPECTIVE SAMPLES

Abstract. This article provides information on the selection of promising early-early samples by planting 5 varieties of potatoes imported from Turkey in a trial garden. Control of potato yield indicators yield of Pskom variety is 21, t per hectare. , compared to which this indicator was high in 4 varieties of samples, and information was given that the productivity indicators in the remaining samples were low compared to the control option.

Key words: selection, variety, hybrid, sample, collection, tuganak.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИСПЫТАНИЕ КАРТОФЕЛЯ В ПОВТОРНОМ ПЕРИОДЕ, ОТДЕЛЕНИЕ ПЕРСПЕКТИВНЫХ ОБРАЗЦОВ

Аннотация. В данной статье представлена информация о выборе перспективных скороспелых образцов путем посадки 5 сортов картофеля, завезенного из Турции, на опытном огороде. Контроль показателей урожайности картофеля. Урожайность сорта Пском составила 21, т/га. , по сравнению с которыми данный показатель был высоким у 4 сортов образцов, а также дана информация, что показатели продуктивности в остальных образцах были низкими по сравнению с контрольным вариантом.

Ключевые слова: селекция, сорт, гибрид, образец, коллекция, туганак.

КИРИШ.

Картошка дунё дехкончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда, аҳамияти жихатдан эса иккинчи ўринда туради. Картошка инсон учун муҳим бўлган оқсил, крахмал, турли витаминлар, элементлар ҳамда минерал тузлар манбаидир.

Картошка туганагининг биокимёвий таркиби 75% сув ва 25% куруқ моддадан иборат. Куруқ модданинг 70-80% крахмал бўлиб, туганакда унинг миқдори 13-20%, оқсил 2-3%, клетчатка -1%, мой -0,2-0,3%, шакар -1%, кул 0,8-1,0% ни ташкил этади. Бундан ташқари картошка туганагида витаминлар (С, В₁-В₆, РР, К ва каратиноидлар) ҳам бор. Ёш ўсаётган инсон танасида суяк ва мускулларининг мустаҳкам ва бақувват бўлишида туганак

таркибидаги минерал элементлар (кальций, темир, йод, олтингургурт, фосфор, калий кабилар) муҳим ўрин тутди. Картошка оксили таркибида алмашинмайдиган аминокислоталар (лизин, лейцин, валин, тирозин, изолеицин, метионин, триптофан кабилар) кўп ва ўзининг биологик аҳамияти бўйича бошқа экинлар оксидидан юқори туради.

ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

Тадқиқотлар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба далаларида ўтказилди. Институт Тошкент шаҳрининг шимолида Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган. Жойнинг об-ҳавоси Ўзбекистон текис қисмида жойлашган кўпчилик сабзавотчилик хўжаликлари шароитига ўхшайди.

Об-ҳавони ўзига хос хусусияти шундан иборатки бу ерда ёруғлик ва иссиқлик етарли даражада ва континентал ўзгарувчан ҳамда қуруқ хаводир. Қуёш ёруғлигини давомийлиги йилига 2700-3000 соат, бунда ёзда қуёш ёруғлиги ойига 360-400 соат, қишда эса 90-130 соатга тушади. Бир кундаги иссиқликни ўзгарувчанлиги юқори ($10-15^{\circ}\text{C}$ қишда ва $15-20^{\circ}\text{C}$ ёзда) ва йил бўйича 30°C гача етади.

Тупроғи аввалдан суғориб келинадиган типик бўз тупроқ, сизот сувлари чуқур 6-7 метрда жойлашган бўлиб, тупроқдаги гумус миқдори 0,793-0,957%, ялпи фосфор 0,131-0,157 мг/кг, калий 1,843-2,195 мг/кг ва азот 0,131-0,92 %, Ҳаракатчан N-NO_3 -8,1-17,9 мг/кг, P_2O_5 -12,4-28,4 мг/кг, K_2O -187,5-227,4 мг/кг оралиғида бўлган. Тажриба майдонининг тупроғи шўрланмаган.

Такрорий муддатда картошканинг туганаклари ва ўсимликлар мазкур тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси», «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур», «Методика полевого опыта», «Методы агрохимических анализов почв средней Азии» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Картошкачиликни ривожлантиришда халқаро тажрибалари муҳимлигини инобатга олиб Туркия селекциясига мансуб бўлган картошканинг 5 та “Leventbey”, “Onaran-2015”, “Nahita”, “Nigsah”, “Alegria” нав навларидан уруғлик олиб келинди. Ушбу нав намуналари институтнинг Тошкент тажриба участкасига такрорий муддатда июл ойининг иккинчи ўн кунлигида 70×25 см схемада экилди ва назорат сифатида маҳаллий “Пском” нави билан таққослаб синалди.

Тажрибалар олиб бориладиган дала атрофлари тозаланиб, далани бегона ўт илдизлари қолдиғидан тозаланди. тажриба даласига гектар ҳисобига 20-25 тонна органик ўғит солинди.

Тажриба майдонига экилган Туркия селекциясига мансуб бўлган картошка нав намуналарида ўсув даври давомида фенологик кузатув ва биометрик ўлчовлар ўтказилди, шунингдек навларнинг турли касалликларга чалиниши бўйича ҳам кузатувлар олиб борилди.

Туркиядан келтирилган картошка нав намуналари экишдан олдин ҳаво ҳарорати +14-18 С⁰, ҳаво намлиги 70-80 % ни ташкил этган махсус хонада нишлатиш (ундириш) учун жойлаштирилди ва ундиришга қўйилган кундан кейин 20-25 кунда сифатли нишлатилди. Тадқиқотларда картошканинг экилгандан.

Тадқиқотларда картошка нав намуналарининг ниҳолларининг униб чиқиши, ёппасига униб чиққандан сўнг шоналаши ҳамда гуллаши бўйича 10-75 % фенологик кузатувлар ўтказилганда назорат навиға нисбатан сезиларли тафовут бўлмади. Бунга кўра экилган барча навларда ниҳолларнинг 10 % униб чиқишига 13-16 кун кетган бўлса 75 % униб чиқишига 24-26 кун кетган бўлса, Униб чиққан ниҳолларнинг 10 % шоналаши учун 25-28 кун вақт кетди шунингдек Nahita, Nigsah картошка нав намуналарида назоратдан шоналаши 10-75 % га 2-3 кун кеч бўлганлиги аниқланди.

Ўсимликларнинг ёппасига гуллаши бўйича фенологик кузатув натижаларига кўра назорат навининг 10-75 % гуллаши 38-47 кунни ташкил этган бўлса қолган нав намуналарининг 10-75 % гуллаши назорат Пском навидан 1-2 кун эрта бўлганлиги аниқланди.

Назорат сифатида экилган картошканинг Пском навининг ўсимликлар ёппасига гуллаган даврида поя баландлиги 56,8 см 100 фоизни ташкил этган бўлса унга нисбатан Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria нав намуналарининг поя баландлиги назоратдан 13,5; 14,6; 10,7; 11,8 фоизга юқори бўлганлиги кузатилган бўлса поялар сони бўйича ҳам ушбу навларнинг кўрсаткичлари 10 фоиздан 16,7 фоизгача юқори бўлганлиги тажрибаларда ўз аксини топди.

Шунингдек ҳосил йиш даврида ўсимлик поясида ўлчовлар ўтказилганда Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria нав намуналарининг кўрсаткичлари назорат вариантдан кўрсаткичлари юқори бўлди.

Картошканинг бир тупдаги поя вазни, барглар сони, барг сатҳи бўйича назорат “Пском” навининг бир тупдаги поя вазни 345 г 100 % ни ташкил этган бўлса унга нисбатан Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria нав намуналарининг поя вазни назорат вариантдан 8,9 фоиздан 13 фоизгача юқори, барглар сони 6,7 фоиздан 10,6 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, қолган Nigsah нав намуналарининг бир тупдаги поя вазни, барглар сони, барг сатҳи бўйича кўрсаткичлари назорат вариантдан 5,1 фоиздан 7,8 фоизгача паст бўлганлиги аниқланди.

Картошка нав намуналарининг бир тупдаги туганак оғирлиги ҳамда умумий ҳосилдорлиги ҳисоб-китоб ишлари қилинди. Назорат “Пском” навида бир тупдаги туганак вазни ўртача 370 г ни, умумий ҳосилдорлик гектаридан 21,0 т/ни (100) фоизни ташкил этган бўлса, Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria навларида бир тупдаги туганаклар ўртача вазни 410 г дан 430 г гача ёки умумий ҳосилдорлик бўйича 11,0 фоиздан 16,7 фоизгача назорат “Пском” навидан вариантдан юқори бўлганлиги аниқланди. Қолган Nigsah навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари назоратдан 2,4 фоизга паст бўлганлиги тадқиқот натижаларда аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Туркия селекциясига мансуб бўлган картошканинг 5 та “Leventbey”, “Onaran-2015”, “Nahita”, “Nigsah”, “Alegria” нав навлари институтнинг Тошкент тажриба участкасига такрорий муддатда маҳаллий “Пском” нави билан таққослаб синалди.

2. Тадқиқотларда картошка нав намуналаринг ниҳолларининг униб чиқиши, ёппасига униб чиққандан сўнг шоналаши ҳамда гуллаши бўйича 10-75 % фенологик қузатувлар ўтказилганда назорат навига нисбатан сезиларли тафовут бўлмади.

3. Назорат сифатида экилган картошканинг Пском навининг ўсимликлар ёппасига гуллаган даврида поя баландлиги 56,8 см 100 фоизни ташкил этган бўлса унга нисбатан Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria нав намуналарининг поя баландлиги назоратдан 13,5; 14,6; 10,7; 11,8 фоизга юқори бўлди.

3. Картошка нав намуналарининг бир тупдаги туганак оғирлиги ҳамда умумий ҳосилдорлиги назорат “Пском” навида бир тупдаги туганак вазни ўртача 370 г ни, умумий ҳосилдорлик гектаридан 21,0 т/ни (100) фоизни ташкил этган бўлса, Leventbey, Onaran-2015, Nahita ҳамда Alegria навларида бир тупдаги туганаклар ўртача вазни 410 г дан 430 г гача ёки умумий ҳосилдорлик бўйича 11,0 фоиздан 16,7 фоизгача назорат “Пском” навидан вариантдан юқори бўлганлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Остонақулов Т.Э. – Селекция ва уруғчилик асослари. Т. «Истиклол», 2002.
2. Остонақулов Т.Э., Отамуродов Э., Нишонов Н., Астанақулова А. Иккиҳосилли экин сифатида уруғлик картошка етиштириш технологиясига оид тавсиялар. – Т.: 2003. – Б.12.
3. Зыкин А.Г. – Картофель. // С.Петербург, 2000. –С. 192
4. Эргашев И.Т., Абдукаримов Д.Т., Остонақулов Т.Э. – Картошканинг вируссиз уруғчилигига оид тавсиялар. // Тошкент, 2005. –Б. 36.
5. Остонақулов Т.Э., Нишонов Н., Бурхонов Ш. – Ёзда янги қовланган туганакларни экишга мос картошка навлари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. Тошкент, 2001. № 3. –Б. 29-31.
6. Остонақулов Т.Э., Хамзаев А.Х. Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари. // Тошкент, “Фан”, 2008. –Б. 465.
7. A.Shokirov, S.Lapasov, O.Ismoilov A.Fayzullayev, N.Ismoilova, R.Karimov. “Selection of promising potato variety samples for the next term”. International journal of biological engineering and agriculture. <https://inter-publishing.com/index.php/IJBEA/article/view/2050>.
8. Lapasov S. S. “Studying and Introducing a Collection of Potato Varieties”. Nexus : Journal of Innovative Studies of Engineering Science (JISES). Volume: 01 Issue: 03 | 2022 ISSN: 2751-7578 <http://innosci.org/>.